

ОИЛАДА ҒОЯВИЙ ТАРБИЯ

РЕЖА:

1. Ғоявий тарбия тушунчаси ва унинг асосий мезонлари.
1. Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашнинг шакл ва воситалари.
2. Аҳолининг турли қатламларини ғоявий куроллантириш омиллари.

Ғоявий тарбия тушунчаси. Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистон халқининг туб манфаатлари, асрий орзу-умидлари, эзгу ниятлари. Буюк мақсадларини ифода этиб, халқнинг ўз мақсад-муддаоларига эришиш учун маънавий-рухий куч-қувват бўладиган пойдевордир. Бу жараён жамият аъзоларининг туб манфаатларини кўзда тутди, бинобарин, ҳар бир фуқарони миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш шу юртнинг фарзандлари учун муқаддас бурчдир.

Тарбия нима? Агар «тарбия» тушунчасининг туб маъносига эътибор берадиган бўлсак, бу - инсоннинг ўзи ва ўз хулқи ҳақидаги тасаввурининг тўғри ва холис бўлишини таъминловчи мураккаб жараёндир. Яъни, тарбияланган одам тарбиясиз одамдан шуниси билан фарқ қиладики, биринчиси у ўзининг ким эканини, амалга ошираётган кундалик хатти-харакатлари, амаллари, ўй-фикрлари ўзи ва ўзгалар учун қанчалик манфаатли, фойдали эканини англайди, ўзини нохуш ҳаракатлардан тияди ва назорат қилади. Тарбиясиз одам эса, афсуски, ўз амаллари нафақат ўзгаларга, хаттоки, ўзига ҳам зиён, бефойда, бемаъни эканини билмайди. Шундан келиб чиқиб, ҳар қандай тарбиянинг бош мезони тарбияланувчида ўзи ва ўз фазилатлари ҳақида тўғри тасаввурларни шакллантиришдан иборат дейиш мумкин.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос тарбиявий усул ва воситалари бўлади. Қадим замонлардан тарбия ёш авлоднинг кекса авлод тажрибаларини ўзлаштириш шакллари билан бири сифатида қараб келинган. Тарбия асосан

меҳнат фаолияти (овчилик, чорвачилик, деҳқончилик ва шу каби) жараёнида, турли урф-одатлар, маросимлар ўтказиш вақтида амалга оширилган. У асосан жисмонан бақувват бўлишга қаратилган. Психолог Д. Эльконин болалар ўйини тарихини таҳлил қилиб, тараққиётнинг маълум даврига қадар умуман болалар ўйини категориясининг ўзи бўлмаганини исбот қилган. Лекин ўша пайтларда катгаларнинг болаларга таъсири бевосита бўлиб, тарбия жараёни қозиргидан фарқли шароитларда кечган. Меҳнат фаолиятининг кўпқиррали бўлгани ва мураккаблашиб бориши боис катталар билан болалар ўртасидаги муносабатларда рўй берган ўзгаришлар туфайли ўзига хос болалар жамияти пайдо бўлган ва бу жамият аъзолари катталар тажрибасини ўзлаштиришнинг турли-туман йўллариини топиб, ўз қаёти ва фаолиятини такомиллаштириб борган. Бу биринчи навбатда касб-қунартурларининг кўпайиши ва такомиллашиб бориши билан қам боғлиқ бўлган.

Бола истаган соҳа бўйича таълим-тарбия олиб, ўзи хоҳлаган ихтисосликни эгаллашга ҳақли. Лекин унинг хоҳиш билан жисмоний имконияти ҳар доим ҳам бир-бирига мос келмайдими. Одатда ота касбини, тўғрироғи, бобо мерос касбини тутган ёшлар ҳаётда кўпроқ муваффақият қозонади. Чунки оилада отанинг қони, унинг лаёқати бўлади. Демак, касб тарбияси, болани ёшлиқдан эл-юртга фойдаси тегадиган меҳнат фаолиятига йўналиштириш ҳам мафқуравий аҳамиятга эгадир.

Ғоявий тарбиянинг моҳияти. Шахс тарбиясининг муҳим йўналиши - бу ғоявий - Бу - инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. Ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир. Чунки оилани оиламизми, болалар боғчасиними, маҳалла, мактаб, коллеж, лицей, университет ёки академияни оиламизми ҳаммасида бериладиган таълим_ва тарбия жараёнлари талаба ва тингловчилар дунёқарашини кенгайтиради, уларнинг онгини илмий асосланган билимлар билан бойитиш ҳамда жамият учун, унинг равнақи учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга

йўналтирилган бўлади. Бу ишлар боланинг дунё ҳақидаги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасидаги ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қилади. Бу - том маънода мафкуравий тарбиянинг асоси, пойдеворидир. Шунинг учун мафкурасиз инсон, мафкурасиз гуруҳ, миллат, халқ жамият бўлиши мумкин эмас.

Нима учун бир жамият, ижтимоий гуруҳ (масалан, сиёсий партия, ижтимоий ҳаракат) мафкурасини бошқа бир ижтимоий гуруҳга мажбуран сингдириш нотўғри. Чунки мафкура-муайян ижтимоий гуруҳ аъзоларига хос ўзларидаги мавжуд эктиёжлар, тилак, орзу, умидлар ҳамда манфаатлар асосида ўша гуруҳнинг қарашлари, тасаввурлари дунёси ҳамда гоёларининг маҳсули сифатида яратилади. Унда бошқалар манфаатлари ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Бас, шундай экан, ўзгалар манфаатини кўзловчи мафкурани халқ онгига зўрлаб сингдириб бўлмайди. Масалан, америкаликларнинг ўз мафкуравий қарашлари бор, бу қарашлар тизими ҳар бир америкаликни юрти билан фахрланиш, унинг келажаги учун қайғуриш, бу йўлда тинимсиз изланиш ва меҳнат қилишга ундаши табиий. Лекин бу қарашларга суянган ва уларни чуқур таҳлил қилиб ўрганган ҳолда биз ҳам фақат шундай қилсак бўлар экан, биз қам шу фақат йўлдан бораемлик. деб бўлмайди. Чунки қар бир жамият ривожининг ўзига хос қонуниятлари мавжудки, ўша жамият аъзолари уларни ўзларининг туб мақсад ва манфаатлари асосида шакллантиради.

Ғоявий тарбиянинг мақсади. Қар қандай *мафкуравий тарбиянинг мақсади* - жамиятнинг қар бир аъзоси ва улар тимсолида қар бир ижтимоий қатлам, Турўқнинг тарбиявий даражасики таъминлашдир. Бу пировард натижада ўша жамият ривожига тўртки берувчи илғор ғояларнинг ҳар бир фуқаро томонидан онгли равишда ўзлаштирилишини, унинг тафаккур ва фикрлари тарзига айлантирилишини таъминлайди. Шу маънода, миллий истиклол мафкураси Ўзбекистонда яшаб, ижод қилаётган ҳар бир фуқаро онги ва шуурида асрий миллий қадриятларимиз, халқимизиинг бугунги ва келгусидаги манфаатларини ифодаловчи энг соғлом ғоялар ва фикрлар

тарзида - халқ тафаккури тарзида ўз ифодасини топиши лозим. Бу жиҳат мафкуравий тарбиянинг бош хусусиятларидан биридир.

Хўш, мафкуравий тарбиявийлик энг аввало юксак эътиқод, иймон, Ватан ва халқ олдидаги масъулият, ватанпарварлик, фидоийлик каби фазилатларда намоён бўлади.

Ёшларни гоёвий тарбиялаш. Соғлом гоёлар тарбияси юксак дунёқараш ва эътиқод тарбиясини англатади. Дунёқараш - тартибга солинган, "яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввур ва гоёлар мажмуи бўлиб, у шахсни жамиятда ўзлигини сақлаган ҳолда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди.

Мустақиллик йилларида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқатни, миллий кадрият ва анъаналарга муҳаббатни, ўз яқинларига меҳрибонликни танлаган йўли - касби, маслаги ва эътиқодига содиқликни назарда тутди. Янгича фикрлаш ва янгича тафаккур айнан мустақиллик мафкураси руқида тарбия топиб, сайқал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқод маҳсулидир.

Ёшлик, ўспиринлик даври дунёқарашнинг шаклланиши, эътиқоднинг мустақкамланиши учун ўта сезгир, психология тили билан айтганда, «сензитив» боскич ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу давр нафақат шаклланиш учун, балки, агар маълум бир қарашлар тизими мавжуд бўлса, уларни ўзгартириш учун қам қулайдир. Шу боис мафкуравий таъсирлар бевосита ёшлар аудиториясига, уларнинг қалби ва онгига қаратилган бўлади.

Масъулият. Гоёвий тарбия мезонларидан бири бу масъулият туйғуси билан яшаш хусусиятини шакллантиришдир. Масъулият одамнинг ҳар бир амали, фаолияти маҳсулини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда, унинг ўзи ва узгалар учун нима наф келтиришини англай олиш қобилиятидир. Масъулиятни ҳис қилган инсон ишни доимо пухта режалаштириб, унинг оқибатларини олдиндан тасаввур қила олади ва зарур натижага эришиш учун бутун кучи ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлади.

Шахсий масъулиятни фуқаролик масъулиятдан фарқлаш лозим. Биринчиси - шахсининг кундалик фаолиятдан келадиган шахсий манфаатни назарда тутса иккинчиси жамият манфаатларини назарда тутди. Фуқаролик масъулиятини ҳис этган инсон энг аввало ўзи меҳнат қилаётган жамоа ёки таълим олаётган ўқув даргоҳи, ўз маҳалласи ва юрти равнақини ўйлайди. Мустақил Ўзбекистон фуқаролари учун ягона мақсад Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилиш бўлса демак, ҳар бир фуқаролик масъулиятининг маъно-мазмунини ана шу ғояларни амалга оширилишида деб билиш даркор.

Охириги йилларда гарбда кенг тарқалган бир назарияга кўра, одамлар масъулият нуқтаи назаридан икки тоифага бўлинади. Биринчи гуруҳ ўз ҳаётида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларнинг сабабчиси, масъули деб фақат ўзларини тасаввур қилади. («Мен ўзим барча нарсаларга масъулман. Менинг ҳаётим ва ютуқларим фақат ўзимга боғлиқ, шунинг учун ўзим учун ҳам, оилам учун ҳам ўзим жавоб бераман»), Иккинчи гуруҳ барча воқеа, ҳодисаларнинг сабабчиси ташки омиллар бошқа одамлар - ота-она, ўқитувчилар, ҳамкасблар, бошлиқлар, танишлар, қўни-қўшни ва бошқалар деб ҳисоблайди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, иккинчи шаклдаги масъулият кўпроқ ўсмирларга хос экан, уларнинг деярли 84 фоизини масъулиятни фақат бошқаларга юклашга мойил экан. Америкалик олим Дж. Роттер ана шу асосда «назорат локуси» тушунчасини илмий асослаб берган. Унинг киритган фикрича, масъулиятни ўз зиммасига олишга ўрганган болаларда хавотирлик, нейротизм, асабийлашув, жаҳолат каби салбий сифатлар ҳам учрар экан. Улар ҳар кимнинг фикрига эргашиб кетавермасдан кўп нарсани ўз қарашлари асосида ҳал этар экан.

Демак, масъулиятни ҳис қилган болалар каётга тайёр, фаол, эркин ва мустақил фикрловчи бўлади. Уларда масъулият билан бирга, ўз-ўзини англаш, шахсий ғурур туйғулари қам юксак бўлади. Шунинг учун ҳам мафкуравий тарбиянинг муҳим йўналиши сифатида ёшларда она Ватан

олдидаги бурч, ўз тақдири учун масъулият, маҳалла, меҳнат жамоаси, оила ва яқин кишилар ҳаёти учун жавобгарлик қиссини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Эътиқод - психологик ҳамда ижтимоий-психологик тушунча бўлиб, одамнинг муайян қараш, таълимот назария, ҳаётий ақида, қадрият ёки фаолият тамойилларини эмоционал-ҳиссий қабул қилиш жараёнида шаклланган собит фикр ва тасаввурлар мажмуидир. Ёки бошқача айтганда, эътиқод маълум қадриятлар, диний ёки дунёвий маслақлар, муносабатларнинг инсон қалбида яшаш фалсафаси, фаолият дастури сифатида қабул қилинишидир. Агар шу жараёнкнинг оқибати ўлароқ одамда диний ёки дунёвий маслақ, ишонч каби турғун муносабатлар шаклланган бўлса, биз уни эътиқодли одам деб атаيمиз. Инсоннинг инсонлиги, унинг жамиятдаги урни ва нуфузи ҳам маълум маънода унинг эътиқоди билан белгиланади. Айрим инсонлар бутун умри мобайнида фақат битта нарсага эътиқод қилади. Масалан. Франциялик машҳур сайёҳ Кусто ва унинг командаси ҳақидаги фильмни ҳамма кўрган. Бир қарашда у бутун умрини денгиз ҳаёти ва ундаги сирли воқеалар, ҳайвонот дунёсини кашф этишга бағишлагандек туюлади. Денгиздан жуда узоқда яшайдиган, ундан манфаат кўрмайдиган одамлар учун бу тадқиқотчининг ҳаёти ва ишлари кераксиз бир нарсасидай туюлади. Лекин бу олимнинг ўз ишига садоқати, эътиқоди шу даражада кучлики, уни бутун дунё, соғлом фикрловчи ҳар бир инсон жуда юксак қадрлайди. Бу каби одамларнинг бошқа соҳалардаги хизмати ҳам бўлиши мумкин, аммо башарият уни юксак эътиқоди учун ҳурмат қилади. Демак, эътиқодсизликдан кўрқиб керак, агар ҳеч нарсага ишонмайдиган, мақсад-маслаги номаълум кишини кўрсангиз, унга ёрдам бериш лозим, чунки бу одамдаги эътиқодсизлик нафақат унинг ўзига, балки атрофдагиларга ҳам зиён келтиради.

Эътиқодли одам аввало фойдали иш билан шуғулланади, ўзгаларга зиён келтирувчи амаллар қилмайди, ёлғон гапирмайди. У ҳар доимо лафзига амал қилади, яъни бир нарсани қиламан, деб ахд этса, бутун кучи ва

иктидорини сафарбар килиб уни албатта бажаради, бошлаган ишини охирига етказди. Эътиқодли инсон нима қилётганини, нима учун айнан шу ишни қилаётганлигини жуда яхши билади. Шу боис ҳақиқий эътиқод эгаси илмга интилади, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшайди, ҳар томонлама баркамол бўлишга тиришади, яхшиларга ошно бўлиш, буюкликка ҳавас унинг ҳаётий шиорига айланади. Ҳақиқий эътиқод соҳиби ўзидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдиришни истаб яшайди. Шунинг учун ҳам эътиқод, шахсдаги журъат, мардлик, фидоийлик, ирода, виждон, катъият, ҳалоллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар билан боғлиқдир.

«Иймон» арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси ишончдир. Ҳақиқий эътиқод эгаси бўлган одамда иймон ҳам бўлади. Буюк меросимиз ҳисобланмиш «Авесто»да иймон ва эътиқоднинг ўзаро алоқаси ва унинг инсон тафаккур тарзи билан боғлиқлиги хусусида шундай дейилган:

Ақлли ва иймонли кимсаларга

Бағишлайман шодлик, бардам руҳ...

Эътиқодман, Митраман.

Мудом сабоқ бермоқчиман,

Иймон билан фикр айласин.

Иймон билаи сўз сўзласин,

Ва иймонга амал қилсин.

Иймон келтириш ёки ишонч шундай психологик ҳолатки, унда шахснинг эътиқодига мос келадиган, муайян нарса ва ҳодисалар таъсирида онгда ўрнашиб қоладиган тасаввурлар мажмуи етакчи ўрин тутди. Иймоннинг нима экани кўпинча шахс томонидан чуқур таҳлил қилинмайди, текширилмайди, чунки унда инсоният тажрибаси, шахс эътиқод қилган ижтимоий гуруҳнинг қарашлари мужассам бўлади. Масалан, Оллоҳга иймон келтириш ҳар бир мусулмон учун фарз ҳисобланади. Пайғамбаримиз Муқаммад алайҳиссалом Оллоҳ таоло тарафидан келтирилган барча хабарларга тил билан иқрор этиб дил билан тасдиқлашга иймон дейилади. яъни Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар орқали Оллоҳ тўғрисидаги, жаннат

ва дўзах, қиёмат каби ғайбий нарсалар ҳақида берилган хабарларга ишонч - шариятда иймон деб юритилади, деганлар.. Ўша ҳадиси шарифда яна «Ватанни севмоқ - иймондандир» деб зикр этилган. Булар оддий фуқарода шубҳа уйғотмайдиган, халқ менталитетига унинг иймониغا айланиб кетган қадриятдирки, уларга ишониш ҳар бир мусулмоннинг ва соғлом фикр юритувчи инсоннинг бурчидир. Шунинг учун ҳам халқ, ватан хоинларини энг аввало «иймонсизлар» деб лаънатлайди зеро, туғилиб ўсган ерни муқаддас билиш, киндик қони тўкилган тупроқни соғиниш, Ватан равнақи йўлида бақоли қудрат виждон билан меқнат қилиш - иймонлилик белгисидир.

Иймон тушунчасига фақат диний тушунча сифатида қараш тўғри эмас. Чунки қар қуни фойдали бир амал, савоб иш қилиш, солиғ хулқ соҳиби бўлиш, бутун инсоният меҳр-муҳаббати билан қараш, жамиятдаги хулқ меъёрларини қалбан хис қилиб, уларни бузмасликка интилиш ҳам иймондандир. Агар бола ёшлиқдан гўзал хулқларни эгаллашга интилиб яшаса, мусулмоичилик одатлари, хушхулқлилик тамойилларини ўзлаштириб боришга руҳан тайёр бўлса, уни иймонли бўлиб тарбия топяпти дейиш мумкин.

Соғлом дунёқараш, масъулият, иймон ва эътиқодни ёшлар онгида шакллантиришнинг қуйидаги асосий объектив шарт-шароитлари ва омилларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

а) ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муҳит. Ёшларда соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашнинг шаклланиши учун маълум муҳит ҳам зарур. Ўзбекистонда бу борада улкан ишлар амалага оширилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни холис ва чуқур ўрганиш буюк аждодларимиз хотирасини ёд этиш, бой илмий-адабий меросини ўрганиш, халқ маънавиятини юксалтириш миллий сиёсатимизнинг устивор йўналишларидан бирига айланди. Ижтимоий ва сиёсий институтлар давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, иқтидорли ёшларни

қўллаб-қувватловчи жамғармаларнинг ташкил этилиши ўзига хос ижтимоий муҳитни шакллантирди. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг буюк келажак бунёдкори бўлиб вояга етишда муҳим ўрин тутмоқда.

б) *соғом -оялар*. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, халқ томонидан эътироф этилган илғор ғоялар бугунги кунда шундай фаол кучга айланганки, улар ёшларнинг психологик ва ижтимоий эҳтиёжларига тўла жавоб беради. Зеро, Ватаннинг равнақи, юртнинг тинчлиги, халқ фаровоилиги, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, комил инсон тарбияси учун яратилган шароитлар, айнан келажакимиз бўлган ёшларнинг манфаати учун хизмат қилади.

в) сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўсишида сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Улар ўз фаолияти билан фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглигига асосланган демократик жамият барпо этиш ғоясининг амалга ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистоидаги ҳар бир партия ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий асос ва қонуний кафолатларга эга. Фуқаролар учун қайси сиёсий партиянинг қарашларига қўшилиш ёки қўшилмаслик ихтиёрий бўлиб, бундай эркинлик ёшларни фикрлашга, ўзича мустақил йўл танлашга хизмат қилади, ҳар бир партиянинг ўз дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида миллий истиқлол мафқурасининг асосий тамойилларига амал қилиши ҳаётнинг бош мезонидир. Чунки халқ манфаатлари, истиқлол ғоялари, қайси сиёсий ва мафқуравий кучга мансублигидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун муқаддасдир. Бу аслида том маънодаги сиёсий маданиятнинг белгисидир.

Ҳуқуқий маданиятини юксалтириш чинакам демократик фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим омили. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, шахснинг ҳуқуқий онги юксак, билими етарли бўлиши, лекин унда ҳуқуқий маданият етишмаслиги, у фуқаро сифатида ўз халқи ва Ватани олдидаги бурч ва масъулиятини теран англамаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам фуқаролар

айникса ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, мафкуравий тарбиянинг муҳим шартидир. Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш омиллари қуйидагилардир:

- ҳуқуқий маданиятга оид оммабоп адабиётлар;
- таълим муассасаларида ҳуқуқий маданиятга оид махсус ўқув курслари;
- ижтимоий мулоқотнинг ҳуқуқий тамойиллари мавзуга оид тадбирлар;
- мустақилликнинг инсон манфаатларига қаратилган ҳуқуқий асосларини кенг халқ оммаси орасида тарғиб этиш ва бошқалар.

г) ёшларнинг билим даражаси. Илғор ғояларни амалга оширишнинг яна бир муҳим шarti уларни ўзлаштириши лозим бўлган ижтимоий қатлам ёки гуруҳнинг билим савияси, маълумотлилик даражасидир. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонун ёшларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган тарихий ҳужжатлардир, улар ҳар бир ёшнинг билим даражасини оширишга, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади.

Агар ўсмир ёки ўспиринда ёшлиқдан китобга, билимга меҳр шаклланмаган бўлса, унинг билими саёз, тушунчалари тор бўлса у соғлом ғояни зарарли ғоядан, дунёвийликни даҳрийликдан, зиёни жаҳолатдан фарқлай олмайди. Ғоявий соғломлик ҳар қандай ғайритабиий фикрларга муносиб жавоб беришни, ёт ва зарарли ғоялари нисбатан мафкуравий иммунитетни, турли ақидапарастлар билан асосли ва танқидий мунозара олиб боришни, ўз нуқтаи назарининг тўғрилигига ишонч-эътиқод туйғусини камол топтиришни тақозо этади.

д) одатий, анъанавий фикрлаш тарзидан янгича, илғор фикрлашга ўтиш мафкуравий янгиланишлар жараёнининг муҳим хусусиятидир. Таъкидлаш лозимки, инсон ўзи учун одатий бўлиб қолган фикрлаш тарзидан осонликча воз кечолмайди, чунки эскича фикрлаш бир қарашда қулай бўлиб кўринади. Буни арифметикадаги мантиқ билан алгебрадаги мантиқ қоидасига қиёслаш

мумкин. Арифметикани ўзлаштирган бола алгебрадаги айният, теоремаларни руҳан қийналиб қабул қилгани каби, инсон тафаккури ҳам ижтимоий ҳаёт ўзгаришларини бирдан қабул қилолмайди. Лекин янги давр, янгича ислохотлар, демократия, бозор муносабатлари айнан тафаккур ва фикрдаги ўзгаришларни тақозо этади ва бу ривожланишининг, тараққиётнинг асосий шартидир. Шунинг учун миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларининг кенг омма қалби ва онгига сингиши бирданига, тез ва бир текисда рўй бермайди. Бу мураккаб, босқичма-босқич амалга ошадиган жараён бўлиб, бу жараёнда, бошқа ижтимоий қатлам вакилларидан фарқли ўлароқ ёшлар ташаббускорлик кўрсатиши ва ўз дунёқараши ва эътиқоди билан бошқаларга таъсир кўрсатиши керак.

Оилавий ва мафкуравий тарбия. Шахс маънавияти, унинг дунёқараши, инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода, оила - ҳақиқий маънавият уюми, мафкуравий тарбия омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига аввало ўша муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади.

Оила, унинг асрлар мобайнида сақлиниб келаётган муқаддас анъаналари орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, иймон, эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ ва маданият кўникма шаклланади. Зеро, ҳар бир фуқаро оиланинг жамиятдаги ўрни вазифасини, Ватанни остонадан бошланишини тушунмасдан туриб, ўзини мукаммал инсон деб ҳис қила олмайди.

Болаларда ёшлиқдан халқ ва юрт тақдири учун фидоийлик туйғусини шакллантириш мафкуравий тарбияда муҳим ўрин тутди. Бунинг учун бола ҳаётининг дастлабки йилларидан бошлаб, уни нарсалар олами билан таништиришнинг миллий анъаналаримизга хос шакллари қўллаш лозим. Бу жараёнда миллий турмуш тарзимизга ёт бўлган «жангари» ўйинчоқлар, мультфильмлар, кинофильмлардан имкон қадар фойдаланмаслик. Шарқона

одоб ва башариятнинг эзгу интилишларини акс эттирувчи ўйинлар, ўйинчоқлар, расмли китобчалар, миллий эртақлар асосида яратилган мультфильмлар болалардаги илк ёшлиқдан мафкуравий қарашларнинг тўғри шаклланишида кўл келади. Масалан, болалар ўртасида машҳур бўлган «Зумрад ва Қиммат», «Ёрилтош», «Хўжа Насриддиннинг саргузаштлари» каби қатор эртақлар орқали болаларда яхшиликка муҳаббат, ёмонликка нафрат туйғуларини тарбиялаш, адолат тантанасига ишонч ҳиссини уйғотиш мумкин.

Ота-оналар саводхонлиги. Юқорида тилга олинган тарбия шакллари амалга оширишнинг энг қулай йўли - аввало ота-оналарнинг маънавий билим савиясини ошириш, уларда соғлом тафаккур ва замонавий дунёқарашни шакллантиришдир. Бу эса ота-онанинг фарзанд олдидаги, эл-юрт олдидаги бурчини тўғри англашни инсоннинг дунёга келиши ва камол топиб ривожланишига оид қонуниятларни пухта билишини, оилавий муносабатлар доирасида миллий урф-одат ва анъаналарнинг энг нодирларини турмушга сингдириш орқали болаларда миллий қадриятларга меҳр-муҳаббатни уйғотишни, уларни мустақил фикрлайдиган кишилар қилиб тарбиялашни тақозо этади. Бинобарин, ота-оналик шундай масъулиятли вазифани, унинг жамиятимиз манфаатига мос тарзда амалга оширилиши учун инсон ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам психологик жиҳатдан тайёр бўлиши керак.

Қасбни пухта эгаллаш ва фидокорона меҳнат қилиш учун илм қанчалик зарур бўлса, фозил фарзандлар тарбиялаш ва уларни инсонларга нафи тегадиган даражада етук қилиб тарбиялаш учун ҳам билим шунчалик муҳимдир. Шунинг учун ўрта асрнинг кўзга кўринган истеъдодли шоирларидан бири Абдибек Шерозий ота-онага, айниқса, аёл кишига илмнинг зарурати тўғрисида шундай ёзган эди: «Илм - аёл учун зийнат. Ақлини нодонликдан халос этиш бир аёл номус, иззат аёллик каддини тушуниб этади. Бундай аёл ҳеч бир ишда адашмайди. Илмсиз аёл эса бола тарбиялашда турли хатоларга йул қўяди».

Боболар ва момолар тарбияси. Ўзбек оиласида бола онгида соғлом ғоя ва билимлар шаклланиши жараёнида оиланинг катталари - боболар, момолар, яқин қариндош-уруғлар ҳам бевосита иштирок этади. Азалий удумга биноан бола тарбиясида ота-онадан ҳам кўра бобо ва бувиларнинг таъсири кучлироқ бўлади. Улар оиладаги маънавий муҳитнинг бошқарувчилари ҳисобланади. Бундай тарбия анъанаси буюк аجدодларимиз тақдирида муҳим ўрин тутган. Масалан, Амир Темурнинг неваралари тарбияси билан уларнинг оналари эмас, улуг бибилари-бувилари шуғулланган. Хусусан, Шохруҳ Мирзо, Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо сингари темурий шахзодалар! Сароймулкхоним қўлида тарбия топган.

Хуллас, ота-она ўз боласини ахлоқи ва ҳуқуқий маданияти учун жамият олдида жавобгардир. Ота-оналик бурчига эътиборсиз қараш фуқаролик масъулиятини ҳис этмаслик муҳим ижтимоий бурчни бажармаслик билан тенгдир. Чунки, болани дунёга келтиришдан кўра, уни жамиятга нафи тегадиган, соғлом эътиқодли, солиғ фарзанд қилиб тарбиялаш мушкулроқдир.

Маҳалла - тарбиячи. Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла! Халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насихати, катталарнинг шахсий ибрати жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида одамлар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади.

Маҳалла аввало соғлом ижтимоий муқитдир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла ақлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳалла, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, ҳақиқий демократая дарсхонасидир.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатлар камол тоишида

маҳалланинг ўрни беқиёс. Агар бирор маҳаллада ўсган қиз ҳақида бошқа бир одам ноўринроқ гап айтганини, ўша қизнинг маҳалладоши эшитиб қолса, шу қизнинг шаъни учун курашади, уни оқлашга, бегона одамни эса тартибга чақириб кўйишга ҳаракат қилади. Шу маънода маҳалла ҳамжихатлик, орномус, биродарлик каби фазилатлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Маҳалла доирасида амалга ошириладиган мафкуравий таълим ва саводхонлик курсларини ташкил этиш, анъанавий байрам ва тадбирлар пайтида муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, аёллар нуфузини ошириш, ҳар хил адолатсизликларнинг олдини олиш, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш, ўзаро диний муассасалар, мачитлар билан алоқани яхшилаш, ҳамкорликда тадбирлар уюштириш, «Оила дорилфунунлари»да ота-оналар саводхонлиги ва турли авлод вакиллари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш йўл-йўриқларига ўргатиш орқали ғоявий тарғибот ўзига хос тарзда амалга оширилади. Яъни, бунда қам таъсир воситалари сифатида ижтимоий реклама, турли курслар ташкил этиш, оилаларга психологик хизматни йўлга кўйиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, оталар чойхонасидан ёшларни тарбиялаш ишида кенг фойдаланиш, ОАВ орқали берилаётган маълумотларнинг психоллингвистик тақлилини амалга ошириш, ижтимоий фикрнинг маҳаллалар бўйича мониторингини олиб боришга аҳамият бериш керак. Шунда маҳалла фуқароларни, биринчи навбатда, ёшларни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялашнинг ҳақиқий таъсирчан ўчоғига айланади.

Иккинчидан, оилага психологик ёрдам кўрсатиш шахобчаларининг ташкил этилиши ҳам оилаларда рўй берадиган турли муаммоларнинг ечимини ижтимоий услублар воситасида ҳал қилиш имконини беради. Уларнинг асосий вазифаларидан бири ота-оналар ва фарзандлар учун миллий мафкура руҳидаги тадбирлар ва маслаҳатлар мажмуини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Аёл, она - эзгулик тимсоли. Мафкуравий тарбияда онанинг алоҳида ўрни ва нуфузини ҳисобга олиб, хотин-қизларнинг бола тарбияси ва оилавий рўзғор ишларини юритиш борасидаги билимдонликларини такомиллаштириб бориш; «оналар мактаблари» ташкил этиш қам катта амалий аҳамиятга эга бўлади. Чунки Президентимиз, ҳукуратимиз томонидан аёлларга билдирилган юксак ишончнинг замирида бу муътабар зотларга хос буюк оналик меҳр-муҳаббати, уларниш мафкуравий тарбияга қўшажак куч-ғайрати, ноёб истеъдодларининг эътирофи ётади. Жаҳон маданияти ва маънавиятига катта ҳисса қўшган Мусо-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бурҳониддин-Марғилонийларни дунёга келтириб, тарбия берган момоларимизнинг ворислари бўлган замонавий аёллар қам соғлом фикрловчи, Ўзбекистон тараққиёти учун бутун билим ва иқтидорини аямайдиган ёшларни тарбиялаб беришига шубҳа йўқ. Зеро, юртбошимизнинг «Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади», деб уларнинг бугунги ҳаётимиздаги ўрнига катта аҳамият бераётгани бежиз эмас.

Анъаналар, удумлар, расм-русумлар. Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан-авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган урф-одат, маросим ва байрамлар ҳам миллий мафқуранинг асосий ғояларини сингдиришда муҳим омил бўлади. Хусусан, Мустақиллик, Наврўз, ўқитувчилар ва мураббийлар, Хотира ва қадрлаш куни каби байрам ва маросимларимизнинг жамият ҳаётига замонавий мазмун бахш этиш йўлида оқилона фойдаланиш зарур.

Бугунги кунда миллий анъаналаримизни ўрганиш, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй-маъракаларни, одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофгарчилик ва дабдабабозликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш даркор. Бу урф-одат ва анъаналарнинг асосий қисми оилада ва оила аъзоларининг бевосита иштирокида ўтказилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир оилавий анъана ва удум мафқуравий тарбиянинг муҳим йўналиши

хисобланади. Масалан, инсонпарвар, юксак эътиқодли, бағрикенг, меҳроқибатли одамларни вояга етказишда кенг маънодаги толерантлик, оилавий муносабатлардаги инсонийлик тамойиллари муҳим ўрин тутди. Ҳар бир ўзбек оиласида муқаддас саналадиган меҳмоннавозлик, қиз ва ўғил болалар тарбияси борасида махсус анъаналарнинг мавжудлиги, йил мавсумига кўра барча оила аъзолари иштирокида ўтказиладиган қашарлар, чақалоқнинг дунёга келиши билан боғлиқ ҳамма-ҳаммаси эзгуликка» яъни соғлом мафкуравий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

Мулоқот маданияти - инсонга хос маънавий эҳтиёж бўлиб, ундаги умумий маданий савиянинг муҳим кўрсаткичидир. Инсон ўзининг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, ўй-фикрлари бевосита мулоқот жараёнида намоён қилади. Мафкуравий тарбиянинг энг таъсирчан воситаларидан бири ҳам мулоқот ҳисобланади. Чунки инсон қалбида онгида шаклландиган дунёқараш, эътиқод, иймон, виждон, масъулият каби фазилатлар тарбиясида радио-телевидение, газета-журналлар, бадиий ҳамда илмий адабиётнинг ўрнини эътироф этган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, юзма-юз кечадиган фикр алмашув, инсоннинг юзи ва кўзига қараб туриб айтиладиган бамаъни сўз ва ҳиссиётларнинг ўрни беқиёс. Шунинг учун ҳам ота-она бир гапни айтиш лозим бўлса, боласининг юзини ўзига қаратиб олиб, зарур юз қиёфаси ва кўзидаги самимият билан фикрини уқтира бошлайди. Ва бундай мулоқот самарали бўлади. Шу боис аудиторияларда ўқитувчи билан ўқувчи, талаба ва домла ўртасидаги мулоқотга таълим ва тарбия жараёнида катта аҳамият берилади.

Оилада ота-она, кайнона-келин, қариндош-уруғлар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, муносабатлардаги самимият даражаси ҳам ёшларда соғлом фикрнинг шарм-ҳаё, меҳроқибат, ифбат, ибо, назокат, лафз, масъулият каби ижобий фазилатлар ва интеллектуал сифатларнинг намоён бўлишига замин ҳозирлайди. Халқимизга хос устувор фазилатлар асосан оилавий муҳитда, яқин қариндошларнинг бевосита аралашувида юз беради. Бу ҳол меҳнатга

тўғри муносабат, ҳалоллик, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни эъзозлаш, аяш, урф-одатларни муқаддас билиш жараёнида амалга ошади. Бундай сифатларни ўзлаштира олган ҳар бир ўғил ва қизда оилапарварлик ва юртпарварлик хусусиятлари ривожланиши муқаррар. Лекин оилавий низолар, ажралишларнинг сабаблари таҳлил қилинганда, шу нарса аён бўлмоқдаки, оила муҳитининг носоғломлиги, оила аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар, ўзаро тил топа олмаслик каби ҳолатлар нафақат ўша оила, балки қариндош-уруғлар ўртасидаги хотиржамликка ҳам раҳна солади. Энг ачинарлиси - бунинг оқибатида эътиқодсиз, диёнатсиз, мақсад-маслаксиз болалар, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган инсонларнинг пайдо бўлишидир.

Фарзанд ва ота - она муносабатлари.

Аллоҳ таола берган неъматлари орасида энг ширини, инсондан ва жамики тирик мавжудоддан фидоийликни талаб этувчи, бало - офатларга кўксини қалқон қилишга мажбур этувчи, кундизи меҳнат захматини чексада, баъзан кечалари бедор ўтказишга олиб келувчи, беадад меҳр - муҳаббат кўрсатишни талаб қилувчи бир мўжиза борки, у - зурриёддир. Ақл берилмаган, фаолиятини онгли равишда бошқара билмайдиган бир ожиз жонзот бўлган хаттоки бир кушнинг боласига бирон хатар ҳавф солганида ўзини яродордек тутиб, баъзи ҳолда хужумкорлик қилиб, ҳаёти давомчисидан офатни даф қилишга уринади, керак бўлса шу хатар -балони ўзига қаратиб, бу йўлда қурбон бўлишдан ҳам тоймайди.

Онгли инсончи? Ота — онанинг фарзандга бўлган муҳаббатини, кўрсатаётган меҳрини нима билан таққослаш мумкин? Ҳаёт билан курашга тайёр бўлмаган мурғакни асраб - авайлаб, унинг ҳар бир ҳатти - ҳаракатидан нимага эҳтиёж сезаётганини англаб етишга уриниб, камолидан қувнаб, дард чекса ундан кўпроқ қийналиб, бутунлай ўзидан бегона ва фарзандга парвона ота - она туйғулари ва амалий ҳаракатларига тенг келувчи, улар чеккан захматининг ўрнини тўлдирувчи, фарзанд деб, унинг бахт - саодатини деб, жамият учун покиза ва фойдали инсон бўлиб етишсин деб қилган меҳнатининг эвазига тенг кела олувчи ва ўрнини боса билувчи бирон нарса борми? Фарзанд ота-она олдида қачон ўз бурчини адо этган ҳисобланади? Ота - она олдида фарзанднинг фарзандлик қарзи қай даражада?

Муқаддас динимизда бу масала юзасидан жуда кўплаб оят ва ҳадислар келган. Масалан "Анъом" сурасининг 151- оятида "ота — онага яхшилик қилингиз", "Ал -исро" сураси 23-24 оятларида "Парвардигорингиз, ёлғиз Унинг ўзи ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг кўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб "уф" тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, ҳорлик қанотини паст тут -хокисор бўл ва

"Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаб ўстирганидек, сен ҳам уларга раҳм - шафқат қилгин", деб (ҳақларига дуо қилгин)" яна, "Аккабут" сурасининг 8 - оятида : "Биз инсонни ота - онасига яхшилик қилишга буюрдик"(яъни, ота-она хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ мусулмон хоҳ кофир бўлсин уларга яхшилик қилиш уларнинг бурчидир); "Луқмон" сурасининг 14 - оятида "Биз инсонга ота - онасини (яхшилик қилишни) амр этдик. Онаси унга ожизлик устига ожизлик билан ҳомиладор бўлди (ҳомила каттарган сари онанинг ҳоли куриб, заифлашиб борур)" (Биз инсонга буюрдикки) "Сен Менга ва ота-онанга шукур қилган! Ёлғиз ўзимга кайтажаксан!" "Ахқоф" сурасининг 15-16 оятларида "Биз инсонни ота - онасига яхшилик қилишга буюрдик, Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлиб, қийналиб туққандир. Унга ҳомиладор бўлиш ва (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир. Энди қачон у вояга етиб, қирқ ёшга тўлганда: "Парвардигорим, мени Сен менга ва ота-онамга инъом этган неъматларингга шукур қилишга ва ўзинг рози бўладиган аммалларинингни қилишга муваффақ этгин ва Ўзинг мен учун зурриётимда ҳам яхшилик қилган (яъни фарзандларимни ҳам аҳди солиқ бандаларингдан қилгин). Албатга мен Сенга (қилган барча гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатга мен мусулмонлардандурман", деди"

"Ана ўшалар шундай зотлардирки, Биз улардан қилган энг чиройли амалларини қабул қилурмиз ва жаннат эгалари қаторида уларнинг ёмонлик гуноҳдарини ўтиб юборурмиз (Бу) уларга ваъда қилингувчи ҳаққирост ваъдадир."

Кўрамизки Тангри таоло ота-она ўрнши ҳаётда жуда баланд тутди. Алоуддин Мансур таржимасидаги Қуръони карим 46- сура, 15-16 оятлари юзасидан берилган шарҳда шундай дейилади; "Ушбу оят каримда яна ҳар бир инсонни ота - онага яхшилик қилиш буюрилади. Табиий бир савол туғилиши мумкин: Нега Қуръонда бот - бот ота - онага меҳр - мурувват курсатиш вожиб эканлиги уқтирилади-ю, фарзандларга меҳрибонлик қилишга буюрилган оятлар деярли учрамайди? Каломуллоҳни синчиклаб ўқиб ўрганган киши ундан юқоридаги саволларга жавоб топа олади: Қуръонда

бирон бехуда жумла ёки сўз йўқдир. Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни комил инсон қилиб тарбиялаш учун қайси фармонни неча марта такрорлаш лозим бўлса, уни шунча марта нозил қилган. Негаки Яратган ўз бандаларининг жисмоний жиҳатларидан ҳам, руҳоний хусусиятларидан ҳам жуда яхши оғохдир, масалан, У зот ота - онага, хусусан онага ўз фарзандларига нисбатан шундай меҳр ато этганки, она учун энг оғир, ҳатто таҳдикали давр бўлган ҳомиладорлик ва кўз ёриш даври ҳамда чақалоқни эмизиб, тарбиялаш йиллари ота -она ҳаётидаги энг бахтли дамлардир, Бинобарин, ота - она (албатта улар агар инсоний маънавиятдан ажраб ваҳшийлик даражасига тушиб кетмаган бўлсалар) фарзандга яхшилик қилишга буюришнинг ўзи ортиқчадир. Аммо фарзандлар эса ёшлиқларига бориб ёки ўзларининг ўғил - қизлари билан овора бўлишиб ортларидаги ота-оналарига бепарво бўлиб қолишлари мумкин, Шунинг учун Куръон фарзандларни тез -тез ота - она оддидага бурчларни адо этишга дават қилди."

Олий ўқув юртлари талабалари маънавиятга ҳос бўлган кўплаб фанларни ўзлаштириб, турли бемаъни сафсаталарга ақл билан ёндошиб, уларнинг нақадар сохта эканлигини англаб етадилар. Аммо-илм даргоҳларидан йироқ, эътиқоди заиф, онгли дунёқарашдан бебаҳра бўлган айрим фарзандлар борки, ўзларини алломаи замон ҳисоблайдилар, қилаётган ишлари куфрдан иборат бўлсада, ота оналарига нисбатан ўзларини донорок ҳисоблайдилар. Ана шундай ноқобил фарзандлар назарда тугилган ҳолда Куръони Каримда дейилади: "Яна бир кимса борки, ота-онасига: "Уф сизларга! Сизлар менга (ўлганимдан кейин қайта тирилиб, қабрдан) чиқишим ҳақида вада бераяпсизларми?! Ҳолбуки мендан илгари ҳам асрлар -авлодлар ўтган-ку, (улардан биронтаси қайта тирилиб келдимми)?" - дер. У иккиси Аллоҳдан мадад тилаган ҳоларида (ўғалларига қараб): "Ҳалок бўлгур, иймон келтиргин! Албатта Аллоҳнинг (барча бандаларини қайта тирилтириш ҳақидаги) ваъдаси ҳақдир" (дейдилар), у: "Бу фақат аввалгиларнинг афсоналаридир", - дер"¹ Узини доно билгувчи, ота—онани хор қилувчи, дуо

¹ "Аҳкоф" сураси. 17-оят.

ўрнига лаънатга қолувчи, фойда - зиённи ўйламай ҳою - ҳавасга берувчи, оқибат ҳатто фарзандларга ҳам оталик меҳрини бера олмайдиган, ота - она ва фарзандларини уқибатга гирифтор қилиб, ҳар замон бир қилиб қўйган яхшилигидан мағрурланиб юривчи кимсалар "Ана ўшалар шундай кимсалардирки, уларнинг устига ўзларидан илгари ўтган инсу - жиндан иборат (кофир) умматлар қаторқца (азоб) сўзи ҳақ бўлгандир. Албатта улар зиён кўргучи бўлдилар"¹

Ўзининг ҳавойи истаклари туфайли ота - онанинг ҳам, аҳди - аёлини ҳам, умид юлдузи бўлмиш фарзандларини ҳам ташвишини қилмай, ўз айш - ишратини ўйлгувчи, жуфти ҳалолани таҳқирлаб, ўзга аёл шшнжида юривчи, ота - онанинг юрагидан эзилиб чиққан лаънатига қолувчи кимсалар мартабаси кофирликдир. "Кофир бўлган кимсалар дўзахга кўндаланг қилинадиган Кунда (уларга дейилур): Сизлар ўз ҳузур - ҳаловатингазни ҳаёти дунёларингиздаёқ кетказдингаз ва улардан фойдаланиб бўлдингаз. Энди Бугун ерда ноҳақ кибру - ҳаво қилганларингиз ва итоатсиз бўлганларингиз сабабли ҳорлик азоби билан жазоланурсизлар".²

Пайғамбаримиз Расули Акрам (с.а.в) ҳақларидан ҳабар берувчи ҳадиси шарифда келтирилади: "Ибн Масъуд:

- Эй Аллоҳ Расули, Аллоҳнинг наздида қайси амал севимлироқ?
Расулуллоҳ:

- Вақтида ўқилган намоз! Ибн Масъуд:

- Яна қайси амал? Расулуллоҳ:

- Онага ва отага яхшилик!"³

Кипшнинг дунёда қилган ҳайирли ишлари орасида ота - она розилигига мушарраф бўлишдан кўра шарафли иш йўқдир. Ислом тарихида Аллоҳ йўлида ҳижрат қилган, Унинг розилиги учун жангу жадалларда қон кечган, борлиғини Аллоҳга бахшида қилган инсонлар ҳақида кўплаб мисоллар бор.

¹ "Аҳкоф" сураси. 18-оят.

² Ўша ерда. 20 - оят.

³ Абу Хомид Газзолий. Мукошафатул-Кулуб. Т.: 2004 йил 1 - жилд. 134 - бет

Аммо инсон вужудини пароканда қилиб, Тангри учун ўз қонини тўққақца ҳам, бу амал ота -она розилигани олган фарзанд амалидан устун бўлолмайди.

Муслимдан шундай ҳадис келтирилади: "Пайғамбаримиз хузуригига бир одам келди ва дедики:

- Эй Аллоҳнинг расули, хижрат ва жиҳод учун сиздан руҳсат олгани келдим» Аллоҳ йўлида савоб ипшар қилмоқчиман.

Бу гапларни эшитган Аллоҳнинг Расули сўрадилар:

- Отанг, онангҳаётмадилар?

- Ҳа, иккиси ҳам ҳаёт Расулуллоҳ:

Аллоҳдан ажр олмақчимисан?

- Ҳа! Расулуллоҳ:

- Бор, ота - онанг олдиға, уларнинг кўнглини ол!"¹

Инсон томонидан амлга оширилаётган ҳар бир иш оқибати яхшилик билан тугамоғи яхшидир. Лекин, шундай амаллар борки, улар кўр - кўрона қилинган ибодатдан афзалдир.

Тобаронийдан шундай ҳадис келтирилади: "Пайғамбар хузуригига бир одам келди, дедики:

- Мен Аллоҳ йўлида жиҳод қилмоқчиман, фақат бунга кучим етмаяпти!

Расул сўрадилар:

- Ота - онангдан ҳаёг бўлганлари борми?

- Ҳа, онам соғлар! Расул:

- Бор, Аллоҳдан онангни кўнглини кўтаришини талаб қил. Шундай қилсанг сен ҳаж, умра ва жиҳод қилганчалик ажр оласан!"²

Она мупгашар. Айниқса қариб, кучдан қолган кезларида бир оғиз сўз билан кўнгиллари тоғдек кўтарилса, фарзанднинг бирон ножўя сўзи ёки қилмиши туфайли дунё кўзига қоронғу бўлиб кетиши мумкин. Айниқса уйда келин бўлса, унинг мулойим муомаласи қайнона (она) кўнглини мойдек

¹ Абу Хомид Ғаззолий. Мукошафат ул - Қулуб. - Т.: 2004 йил 1-жилд. 134 -135 бетлар.

² Абу Хомид Ғаззолий. Мукошафат ул - Қулуб. - Т.: 2004 йил 1-жилд 135-бет.

эритиши мумкин. Аммо унинг кўпол муомаласидан пайдо бўлган кўнгилсизлик ўғлига нисбатан ҳам ҳафалик кайфиятини вужудга келтиради.

Тобароний қайд этади: "Бир киши дедики:

- Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ йўлида жиҳод қилгим келади! Расул сўрадилар:

- Онанг ҳаётми? Бор, унинг оёқларига йиқил. Жаннат ўша ердадир!"¹
Комил фарзанд ота - онанинг боғу - роғи, суянган тоғи, танда тоза қонқир.

Фарзанди оқил инсон иқболи кулган кишидир. Ноқобил фарзанд эса шундай бир бедаво дардди, уни дилдан ўчириб ҳам, юракдан кўчириб ҳам бўлмайди. Бирон мараз иллат сифатида кесиб ташлашнинг ҳам имкони йўқдир. Ушшг шаклланиши шундай мураккаб жараёнди, баъзан унга кўрсатилган муҳаббат нафрат бўлиб қайтиши мумкин.

Ибн Можа қайд этади:

"Бир киши сўради: Аллоҳнинг Расули, ота - она фарзанд туфайли нималарга эршпади?

Буюрдиларки:

- Улар сенинг жаннатинг ва жаҳаннамнингдир!"²

Ривоятларда келтирилишича, бир заргар - дўкондор савдо билан мапнул бўлиб ўтирган вақтида ҳусну жамоли жозибадор аёл келиб, ўзига муносиб биллак узук сўрабди. Заргар ўз маҳсулотлари орасидан алоҳида меҳр билан тайёрлаган биллак узукни олиб, ўз кўллари билан аёлнинг билагига тақибди. Бу буюм аёлнинг бир хуснига ўн ҳусн кўшибди. Беқиёс гўзаллик ва аёл тароватидан сармаст бўлиб, ўзини йўқотган заргар беихтиёр аёлнинг билагидан ўпибди.

Аёл кетгач эса, ўз қилмишидан пушоймон бўлиб, кечга қадар кўнгли ёришмабди.

Заргарнинг уйида қирқ йилдан буён ҳалол ҳизмат қилиб юрган ҳабаш кули бўлиб, шу куни бекаси бир юмуш билан уни ёнига чақирибди. Кул эса

¹ Ўша ерда.

² Ўша ерда.

кугалмаганда аёлнинг кўлларига ёпишиб, унинг билак ва тирсакларидан бўса ола бопшабди. Аёл бу кўнгилсиз ҳолдан жуда таажжубланибди ва эри ишдан қайтгач, воқеани унга гапириб берибди.

Бўлиб ўтган ишардан изтиробга тушган эр бир оз сукутдан кейин:

- Хотин, кечир! Кулингда айб йўқ! - деган экан. Тобароний қайд этади:

"- Ота - оналарингизга яхшилик қилинганки фарзандларингиз ҳам сизларга яхшилик қилади. Иффатиингизни асранганки, хотинларингиз ҳам иффатли бўлади."¹

Онги захарланган, турли — туман экстремистик оқим ва таълимотларга кўр -кўрона эргашган, иймони саломат, покиза ҳалқимиз орасидан кимнидир иймонли, кимнидир иймонсиз деб, ҳатто ота- онага ҳам қарши исён қилган, бурни остидан узоқни кўра билмаган, ўзининг инсон шаънига тўғри келмайдиган ҳаракати билан жамият тавқи - лаънатига дучор бўлган маънавий тубан кимсалар дилига жойланган қарапшар оқибатида падари ва волидаси дилу тилидан қайта - қайта дуоибад олиб, иши юришмай, на бола - чақаси, на ўзига фойдаси тегмай, оиласини хорлик чоҳига етаклаётган кимсаларга ўрнак бўлсинки, Бухорий - Муслим шундай қайд этадилар:

"Ҳазрати Абу Бакрнинг қизи Асмо ҳикоя қилади:

- Онам мени кўргани келарди. Лекин у Расулуллоҳнинг вақтида (Расулуллоҳ тириклигида) бутпараст эди.

Пайғамбардан фатво олмоқчи бўлдим. Дедимки:

- Эй Аллоҳнинг Расули, онам мени кўргани келди, лекин исломга киршдан қочиб юрибди. Онам билан яхши муомаламни давом эттирайми?

Буюрдиларки:

- Ҳа, онанг билан яхшилик риштасини узма!"²

Муқаддас динимиз исломда ота - онага яхшилик қилшп нафақат улар тириклик вақтида, балки улар бу дунёдан кўз юмган вақтларида ҳам давом этирилиши керак.

¹ Абу ХомидҒаззолий. Мукошафагул-Кулуб. -Т.: 2004 йил 1-жилд 135-бет

² Ўша ерда. 137-бет.

Абу Довуд ва Ибн Можа хабар берадилар:

"Бир кипш сўради: Эй Аллоҳнинг Расули, ота - онам ўлгандан кейин уларга яхшилик қилишнинг бирор йўли борми?"

Расулуллоҳ буюрдилар:

Ҳа бор. Булар ота-она ҳақдарига дуо ўқимоқ ва истиғфор қилмоқ, ваъда қилиб бажара олмаган нарсалари бор бўлса, уни ўрнига кўймоқ, ака - укаларини, опа -сингилларига ва яқинларига силаи раҳм қилмоқ (яъни ўшаларни бориб кўрмоқ) ва уларнинг дўстларини иззат - икром қилмоқ!"¹

Азю фарзандларимизга маълум бўлсинки, дунё ва охират саодатига етшпмоқ учун инсон дунёга келишининг сабабчилари, аввало Аллоҳ Таоло, кейин ота – она розилиги учун ҳаракат қилмоқ лозим. Зеро, "Аллоҳ розилиги ота - онанинг розилигидадир. Аллоҳнинг синиқлиги (хафалиги) ота— онанинг синиқлигидадир"².

Фарзанд шаклланиб, шахс даражасига ўсиб етиши бир жиҳатдан ота - онага боғлиқ бўлса, иккинчи атрофидаги кишилар таъсири, улардан олинадиган яхши -ёмон ўрнакка ҳам боғлиқдир. Фарзандлар ким билан, кимнинг таъсирида эканлиги ота - онани энг биринчи навбатда қизиқтирувчи муоммо бўлиши керак. Афсус, кўп ҳолда бу вазифанинг уддасидан чиқа олмаганимиз туфайли фарзандларимиз хатти -ҳаракати, гап - сўзи дилимизнинг ранжитиб кўяди.

Юқоридаги фикримизни давом эттириб, ота - онага нисбатан фарзандлик бурчлари ҳақида айтадиган бўлсак, "Фарзанд отасининг қарзини ҳеч қанақасига узолмайди. Фақат уни қулликка тушган ҳолда топса ва сотиб олиб озод қилсагина унинг ҳақини узган бўлади."³

Аллоҳ Таоло берган, Расулимиз (с.а.в) га нозил бўлган динимиз шариатига кўра фарз қилинган амалларнинг энг асосийлари иймон, намоз, рўза, закот ва ҳаждир. Тангри берган эрк шу даражадаки "Ота - онага эҳсон

¹ Абу Хомид Ғаззолий. Мукошафат ул - Кулуб. - Т.: 2004 йил 1-жилд 137-бет

² Абу Хомид Ғаззолий. Мукошафат ул - Кулуб. - Т.: 2004 йил 1-жилд 137 - бет.

³ Абу Хомид Ғаззолий. Мукошафат ул - Кулуб. - Т.: 2004 йил 2-жилд 240 - бет.

бермоқ ва иззат - икром қилмоқ, намоз ўқиш, закот бериш, рўза тутиш, ҳажга - умрага бориш ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилишдан фазилатлироқдир."¹

Ота - онанинг кўнглини топиш, уларнинг ризолик дуоларини олиш, дилларини ранжитадиган ишлардан йироқ бўлиш, нимаики истасалар кўлимиздан келганича муҳайё қилишимиз, уларнинг ҳар қандай дошномларини сабр билан қабул қилиш оҳират учун энг афзал сармоядир. "Кимки ота - онасини мамнун этган ҳолда эрта билан ўрнидан турса, уларга жаннатнинг икки эшиги очилади. Кимки ота - онасини мамнун қилган ҳолда шомга кирса ҳам шундай бўлади. Агар бирини мамнун этса жаннатнинг бир эшиги очилади. Асло ота - онага қарши борманг - зулм ўтказган бўлсалар ҳам, ўтказмаган бўлсалар ҳам... Кимки ота - онасини ранжитган ҳолда тонг отирса, унинг учун жаҳаннамнинг икки эшига очилади. Кимки ота - онасини ранжитган ҳолда кунини кеч қилса ҳам шундай бўлади. Агар бирини ражитса дўзахнинг бир эшиги очилади. Асло уларга қарши борманг - зулм ўтказган бўлсалар ҳам, ўтказмаган бўлсалар ҳам..."²

Нафс йўлида, унинг етовида юриб, турли ғояларни ўзига ҳадис ўрнида тушуниб, ота - онага исён қилиб юрган фарзанд тақдири аянчлидир. "Жанатнинг ҳиди 500 йиллик масофадан сезилади. Ота - онасини ранжитган ва силаи раҳм қилмаган кимса унинг ҳидини сезмайди"³ Эътибор қилинг, ота - онани ранжитувчи фарзандга нафақат жаннатга кириш, ҳатто унинг ҳидини ҳам сезиш насиб бўлмайди. Оҳирати куяди.

Тангри Таолонинг ота - она мартабасини баланд тутишига қаранки, "Ривоятга кўра Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга буюради:

- Эй Мусо, ким ота - онасига яхшилик қилса, менга осий бўлсада, уни яхшилар зумрасига ёзаман. Ким менга итоат этсаю, аммо ота - онасини ранжитса, уни осийлар зумрасида қайд этаман"⁴

Фарзандлар кўча—кўйда юксак ҳулқ намуналарини кўрсатиб, атрофдагиларга кўлидан келганича яхшилик қилиб юрса, бу амалларнинг

¹ Ўша ерда.

² Ўша ерда.

³ Абу Хомид Ғаззолий. Мукошафат ул - Қулуб. - Т.: 2004 йил 2-жилд 240 - бет.

⁴ Абу Хомид Ғаззолий. Мукошафат ул - Қулуб. - Т.: 2004 йил 2-жидц 241 - бет.

савобидан ота - онасига ҳам берилади. Шунинг учун "Бир кимса бирон нарсани тасаддуқ қилмоқчи бўлган чоғида, буни ота - онам учун ният қилдим, дейиши ўринсиздир. Агар ота - онаси мусулмонлар бўлса, берган садақасининг ажри-мукофати уларга ҳам тегади, айти чоғда, уларга қанча ажр берилган бўлса, шунча ажр ҳеч камайтирилмаган ҳолда ўзига ҳам берилади."¹

Фарзандлар ота - онага нисбатан меҳр - муҳаббат кўрсатиш асносида фарзандга нисбатан онанинг ҳақи отага қараганда икки баробар юқори ёки кўпроқ эканлигини унутмасликлари керак. Ота дунёдан ўтгач, унинг дўстлари, улфатлари, севган кишиларига яхшилик қилиш отага яхшилик қилиш билан баробар бўлади.

Дуо олишга келганда ота - онага, айниқса муштипар онага кўпроқ эътиборли бўлмоқ керак. Чунки, ота кўнгли кўтарилиши, унинг хизматини қилиши, иссиқ-совуғидан ҳабардор бўлиши, кийими ва вужуди покиза бўлиши, бемор чоғида, ожиз қолганида ҳар бир инжиқлигига бардош билан шай бўлиш ҳалол никоҳда бўлган аёли кўрсатган ҳиммат олдида ҳатто фарзанд меҳри ҳам ожиз. Айти вақтда фарзандга она кўпроқ яқин бўлгани учун, фарзанднинг шайтон сўзига кириб йўл қўйган хатоларини ҳам кечиришга она ҳамиша шай. Шунинг учун онанинг дуоси ҳам тез қабул бўлади. "Онанинг дуоси тезроқ қабул бўлади, - деди Расулulloҳ.

Шу гаплардан кейин, одамлар:

- Нечун, эй Аллоҳнинг Расули? - деб сўрадилар. Расул буюрдиларки:

- Чунки она отага қараганда фарзандга яқинроқ, яқин бўлганнинг дуоси олдинроқ қабул бўлади."²

Ҳозирги кунга келиб ислом динида ҳам яқка никоҳликка тарафдорлик кучайиб бормоқда. Аммо ўтмишда отанинг хотинлари ва улардан фарзандлари ҳам бўлган. Бир киши пайғамбаримиз (с.а.в) дан сўради: "Эй Аллоҳнинг Расули, мен кимга яхшилик қилай? Расул буюрдилар:

¹ Ўша ерда. 241 - 242 - бетлар.

² Абу Хомид Ғаззолий. Мукошафат ул - Кулуб. - Т.: 2004 ши 2-жицц 241- бет.

- Ота-онангга яхшилик қил. У киши деди:

- Менинг ота - онам йўқ. Расул буюрдилар:

- Боласига яхшилик қил. Сен ота - онанг олдида бурчли бўлганинг каби, боласининг олдида ҳам бурчлисан."

Ота - онага фарзанд кўрсатадиган меҳру - вафо даражаси ота - онанинг болага кўрсатган меҳру шафқатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Динимиз ҳар қанча фарзандлар вазифасини уқтиргани билан, баъзан ота - она фарзандни арзимас сабаб билан ғазабга миниб калтаклайвериши, бирон ишни мустақил қилишга йўл кўймай дакки беравериши натижа - оқибатида фарзанд йўлини йўқатиб, довдираб ўсади ва имкон топди дегунча ота - онага қарши исён қилишга бориб етади. Лекин, ҳар қанча исён қилмасин, ўз хатти - ҳаракатига шубҳа билан қараб, бирон аҳмокнинг кўрсатган йўриғига ўйламай кириб кетавериши мумкин. Шунинг учун пайғамбаримиз насиҳат қилиб: "Болаларингизга қўша - қўша эҳсон қилинг, ўйлаганингиздан икки борабар кўпроқ сийланг."¹ - дейди.

Баъзи ота - она, айниқса "доно" оналар болам яйрасин, деб сайлгоҳларга, итироҳат боғларига олиб борадилар ва ўша ерда ҳам камчилик топиб, болаларини дўппослаб туришни унутмайдилар. Бундай шароитда бола яйрайдимми? Атрофда хушчақчақ ўйнаб юрган болаларга ўз аҳволини қиёслаб, ўкинмайдими? Шундай "меҳрибон" она фарзанди бўлганлиги учун тақдирдан нолимайдими? Бунинг устига бир оила таъминотини ўринлата билмай юрган отаси яна бошқа хотин кетида илиқиб юрган бўлсачи? Фарзандига керакли даражада меҳр бера олмаган отанинг фарзандларини ҳар замон бир тансиқ таом билан сийлаши натижасида фарзанд меҳри товланадими? Бу даражада куллик асоратига солинган фарзанднинг кўлига музқаймоқ олиб бериб, ўзининг "ширин" сўзлари билан дакки бериб, насибасини захарлаб турувчи ота - онани фарзанд севадими? Эркисизликка мубтоло фарзанд келгусида қандай одам бўлади?

¹ Абу Хомид Ғаззолий. Мукошафат ул - Қулуб. - Т.: 2004 йил 2-жилд 241- бет.

Абдуллоҳ ибн Муборак хузурига бир одам келиб, боласини итотсизлигидан шикоят қилди. Ибн Муборак ундан сўради:

- Уни баддуо қилибмидинг?

- Ҳа! - деди у одам. Ибн Муборак:

- Уни сен йўлдан чиқарибсан! Болага меҳр билан, юмшоқ муомала қилиш керак.

Унутмаслик керакки, меҳру - вафо, яхшилик уруғини эккан киши яхшилик мевасига эга бўлади. Фарзандга беписанд, фақат мен ҳақман деб, зулм ўтказган ота - она мусулмончилик қилолмаган бўлади. Қаҳрли ота - она қаҳрга дуч келса, ўкинмасин!

Ақроъ ибн Ҳабис пайғамбаримиз невараси хазрати Ҳасанни ўпаётганини кўриб, дедик:

- Менинг ўн болам бор. Ҳеч бирини ўпган эмасман. Расулуллоҳ буюрдилар:

- Марҳамат қилмаган - марҳамат кўрмайди.¹

Фарзандларга меҳр кўрини бериш, унга суйиб муносабатда бўлиш керак. Пайғамбаримиз ҳаётларидан икки лавҳага эътибор беринг. Ойша (р.а) ҳикоя қилади:

- Расулуллоҳ (с.а.в) бир куни менга "Усоманинг юзини юв!" - деди. Мен юва бошладим. Лекин жирканаётган эдим. Расулуллоҳ буни сезиб, кўлимга урди. Усомони мендан олиб, ўзи ювди. Сўнгра уни севди. Кейинроқ дедик: "Яхшиям бола (фарзанд) кўрмаган экансан..." (Ҳз. Ойша фарзанд кўрмаган эдилар)²

Абдуллоҳ ибн Шаддод ҳикоя қилади:

- Бир куни Расулуллоҳ жамоат билан намоз ўқиётган эдилар Ҳусайн (р.а) келди. Расулуллоҳ сажда қилиб турганда бўйнига минди. Расулуллоҳ саждани узайтирди. Унинг орқасидан намоз ўқиётганлар, бир нарса бўлди, деб ўйладилар. Намоз битганда "эй Аллоҳнинг Расули, саждани чўздингиз.

¹ Абу Хомид Ғаззалий. Мукошафат ул - Кулуб. - Т.: 2004 йил 2-жилд 249 бет

² Ўша ерда.

Биз бир бало бўлди -ёв, деб ўйладик!"—дедилар. Расулulloҳ шу жавобни бердилар:

- Неварам (Хусайн) мени миниб олди. Унинг завқи бузулмасин деб, саждадан туришга шошмадим.

Расулulloҳнинг бу ҳаракатида баъзи ибратли жиҳатлари бор:

1. Аллоҳга яқинлик (Чунки кишининг Аллоҳга энг яқин бўлган пайти саждада бўлган чоғидир).

2. Болага шафқат ва яхшилик.

3. Умматига шафқат ва марҳаматни ўргатиш. Расулulloҳ яна шундай буюрди:

- Боланинг ҳиди, жаннат ҳидидандир.¹

Ота-онамиз бизнинг қиблагоҳимиз. Фарзандларимиз - келажагимиз. Аллоҳнинг инсофу тавфиқиға муяссар бўлиб, ота - оналаримизни ҳам, фарзандларимизни ҳам эъзозлашимиз ислом динида энг олий мукофотға сазовар бўлувчи ишдир. Ўз яқинларига меҳр кўрсата олмаган инсон ҳеч қачон меҳр кўрмайди. Аллоҳ шайтон лайин сўзидан, ўзига осий бўлишдан сақласин. Ўзининг ҳидояти йўлиға бошласин. Йўлдан озганларға инсоф берсин. Ақли қусурли бўлган, фикри ожиз бўлган ота - оналар ва фарзандларға ёруғ йўлдан юриш неъматини насиб айласин. Билиб -билмай қилган гуноҳларимизни ўзи- авф этсин.

Фарзанд ва ота-оналар муносабати исломий ахлоқнинг бир қирраси холос. Ўслобий ахлоқни ўзлаштириш жараёнида ҳазрати пайғамбаримиз (с.а.в) ва бошқа солих инсонлардан қандай ибрат олишимиз мумкин?

¹ Абу Хомвд Ғаззолий. Мукошафат ул - Кулуб. - Т.: 2004 йил 2-живд 249 -бет.

**Мавзу: Ота-онага иззат-хурмат, оилага
садокат маънавийт маърифат мезони.**

РЕЖА:

1. Ота-онага хурмат юксак фазилатдир.
2. Оила ва унинг маънавий, ҳукукий асослари.

1. Фарзандларнинг ота-онага хурмати шарқда ҳамма вақт жуда юкори булган. Фарзандлар ёшлигиданок отасига суяниб, онасини алласини тинглаб уларнинг меҳрига қониб вояга етганлар. Улар қунглига меҳр она сути билан қирган Ҳазрат Навоий айтганларидек онани ой, отини қуёш деб билганлар.

Одатда отани падари бузриқвор, онани эса меҳрибон волида деймиз. Чунки ҳар бир инсон учун отадек улуг ва қадрдон, онадек меҳрибон ва яқин қишиси йук. Ота-она буюк зотлардир. Улар сиз билан бизни дунёга қелтириб, қуз қорачигидек асраб-авайлаб вояга етқазибгина қолмасдан, ҳамма вақт қуёш янглик ҳаётимизга нур сочиб турадилар, бемисоли ой қаби туғимизни ёруғ, йуғимизни ойдин қиладилар. Шу боис, энг тузал қостонлар, энг яқши қушиқлар, энг ёқимли муқикаларнинг ана шу зотлар бағишлангани беғис эмас. Ота-она қадри, уларга меҳр муҳаббат гоёси ҳалқ оғзақи тақоди асарларида самимият билан қулланиб қелинди.

"Ота -онани беҳад улугловчи , уларнинг нуроний, тиник ва нуррафшон сиймоларини мадх этувчи ажойиб қостонлар, афсоналар, ривоятлар яратилган.

Эмишқим қунлардан бири қуни қуртни ёв босибди. Элни тигдан утқазибди, экинзорларни пайқон қилишибди, қуртни талаб, вайрон қилибди. Онанинг бир угил ва бир қизи булиб, уларни қаддан ташқари яқши қурар, улар учун ҳеч иққиланмай қаттоқи қонини қам бақшида қилишга тайёр экан. Босқинчи шох онани қинаб қурмокчи булибди.

-Сени улдирмокчи эмасман, катта булганда касос олиши мумкин булган углинм котил килмокчиман. Айтишларича сен углинга жонингни беришга тайёр экансан менга жонинг эмас чаросдек чиройли кузинг керак. Унг кузинги берсанг, углинг омон колади, булмаса углингни катил килдираман, дебди.

Она «Кузим керак булса уйиб ол, аммо боламга тегма»,-дебди. Жаллодлар онани унг кузини уйиб олишибди, онадан «инг» деган садо хам чикмабди.

-Энди чап кузингни берсанг кизинг омон колади, - дебди конхур шох. Она хеч иккиланмай рози булибди. Жаллодлар онанинг чап кузини уйиб олишибди. Онаизор икки кузидан айрилибди-ю болалар" омон колишибди. Бу борада эл баходирлари кузгалиб, боскинчи подшохни ер билан яксон килишибди.

Она мехри жароратига бош эгиб, халойик уни юртга бошлик этиб тайинлабдилар. Икки кузидан айрилган она углини унг куз, кизини чап кузи килиб , узок яшабди, юртни адолат билан бошкарибди.

Ота-она уз боласини деб, узини утга, сувга уриб, зурриёдини безавол уссин, унсин, вояга етсин, катта хаётга кадам куйсин дейди.

Отани куёш, онани ой, деб билган халк уларни кадрига етишни, эъозлашни, бошга кутаришни, падари бузрукворнинг туз хакини, волидаи мехрибонининг сут хакини оклашни хар бир угил-кизнинг виждони бурчи эканлигини алохида уктиради.

Улуг мутафаккир Алишер Навоий ижодида хам оналарнинг мавкейи юкори уринда туради. У узининг «Хайрат-ул-аброр» достонида:

Бошни фида айла ато кошига,

Жисмни кил садка ано бошига,

Бирисин ой англа, бирисин куёш деб, тарифлаган.

Дарвокеа, ота ва онага булган иззат ва хурмат уларнинг тириклигидаёк уз урнига куйилмоги лозим. У дунёнинг жаннатидан кура хозир шу дамда хаёт булиб, нурафшон кузларини кадаб турган ота-оналармизни

эъозлашимиз, кадрига етишимиз керак. Зероки, ота-оналаримизга хизмат килиш жаннатга киришнинг асосий воситаларидан биридир.

Хар бир ота-она фарзандини дунёга келиш сабабчиси булибгина колмасдан, минг машаккатлар билан фарзандини устиради, кучига олиб ухлатади, йиглаганда овутади, касал булганда атрофида парвона булади, бутун рохатларини йукотади, ейдиган, ичадиган, киядиган нарсаларни хозирлайди. Бошига мушкул иш тушганда хамдард, шодлигига шерик булади. Бахтли булишини тилайди.

Шунинг учун уларнинг розилиklarини олиш лозим. Болаларимиз бизга хурмат килиши учун, албатта ота онамизни хурмат килишимиз хам фарз хам карз.

Биз ота-оналар билан муносабатда куйидагиларни амал килишимиз зарур.

1. Доимо ота-онага хурматда булишга
2. Улар учун хамма нарсани аямаслик.
3. Хурмат килганимизни бетига солмаслик.
4. Газаб килмаелик
5. Биринчи чакириги билан лаббай деб жавоб бериш.
6. Гаплашганда юзни буруштирмаслик
7. Барча истакларини бажл келтириш
8. Овозни баланд кутармаслик
9. Рухсатсиз саёхатга чикмаслик.
10. Уларга кувонч келтиришга интилиш
11. Ота-онани мукаддас ва муътабар деб билиш.

Ота-онани тириклигида кунгилларини овлаш, вафотидан сунг кабрини обод ва зиёрат килиб туриб, аввалламбор инсонийлик белгиси, колаверса маънавий фазилатдир.

Она алласи умубашарий кимматга эга она алласи чегара билмайди, унга миллат, дин, тил халакит бера олмайди, она алласини барча миллат ва элат гудаклари хаммаси бир хил тинглайди ва ором олади, нотинч бола

тинчийди, она меҳрини тусадиган ҳеч бир дин йук дунёда. Ха кушиқ она алласидан, ватан эса остонадан бошланади. Боланинг бешиги тепасида биринчи бор янграган она алласи умр буйи эшитадиган дилрабо куйларининг дебочасидир. Алла оханглари оламнинг бутун вужудидан, 72 томиридан оқиб келади. Алла гудакнинг вояга етказувчи восита булибгина колмасдан, шу билан бирга замну-замонни тарбияловчи кудратли кушиқ муъжизакор санъатдир.

Жаҳонда нимаики оқ булса, унга она сути тимсол, нимаики жушкин ва кайнок булса, унга ҳам она меҳри тимсол, нимаики чидамли сабр токатли булса, она иродаси тимсол, кимдаким пок муҳаббат, меҳри дарёлик даъво этса онанинг пок калби тимсол. Шунинг учун ҳам биз она юртим, она тилим деймиз.

Баъзан фалончи ота онасини қариялар уйига ташлаб келибди, урибди, ранжитибди деган гапларни эшитганда одам юраги бир калкиб тушади. Ҳеч қачон ота-онасининг дилини огритган фарзанд бахтли булган эмас, булмайти хам.

Ота-онанинг мол дунёсига кизиккан айрим угил кизлар уларни улдиришга борганини матбуот ва телевидения орқали эшитиб қоламиз. Қандай килиб уз ота-онасига кул кутаради?

Биз Улугбек Мирзонинг угли Абдуллатифдан нафратланамиз, Уйлаб қуринг Абдулатиф отасини тож-тахтига эгалик қила олдими? Ахир ота қарғишини олган Абдулатиф олти ойда оламдан утдику. Бойликка, мансабга ружу қуйган кишилар, вафотидан кейин йиккан молу-дунёсини узи билан олиб кетибди деб эшитганмисиз? Йук, албатта. Шунинг билингки шох ҳам гадо ҳам бир қафан билан оламдан утган.

А.Новоийнинг «Садди Искандарий» асаридан

«.. .Хозир менинг офтобим суниб, қуёшим юзига қора булут ёпилғач, бошим устига қуп йиги-сиги, дод-вой қилиб, жаҳонни мотамзадалиқ билан қариб айламанг. Менинг танамни тобут ичига солиб, қеча-қундуз демай жаҳду жадал билан билан юриб, Искандария шухрига олиб боринг.

Тирикликда истикоматгохим булмиш у жой улганимдан сунг мозоримга айлансин. Ва лекин мени тобутга ёткизган пайтингизда, ёкут (Лийгидан ипни чиказиб куйилгани каби, албатта бир кулимни тобутдан чиказиб куйинг. Токи бу кулга халойик ибрат кузи билан бокиб: «Бу панжалар саф тортиб ер юзини уз кулига олган эди. Энди бу куллар дунёдан бум-буш кетаётир!»)- десинлар. Бу хол одамлар учун ибрат мактаби булиб, дунёни эгаллаш машгулотидан кулларини тортсинлар».

Ривоят

Кадим замонларда Фаргона томонда бир подшо утган экан. Унинг яккаю ягона Хумор исмли кизи булиб, у куп нарсаларни онасидан урганар экан Хумор вояга етган сайин совчилар кела бошлабди. Совчиларга Шох рози булишига карамай Хумор рад жавобини бераверибди. Подшоҳ хайрон булиб кизини чакиртириб сурабди.

-Кизим, мана сенга шундай насл-насабли улуг одамлардан совчилар келди, ахир булар ёкмаса, сенга ким ёкади, -дебди.

-Шунда киз:

-Дада куёв бой булуши шарт эмас. Аклли, тадбиркор булсин,-дебди.

-Кизим, хали хам кеч эмас, биронтасига рози бул дебди шох. -Хаётинг тотли, бой бадавлат, хамма сенинг хизматингда булади.

Шунда Хумор отасига:.

-Начора мени бахтли Килсангиз, саволимни тугри ечган шохми, годоми, ушанга берасиз.-Саволим шуки, -дебди кизи дунёда энг карзи куп киму, хакки купким?

Шох хамма ёкка овоза килиб шу саволга жавоб берган кишига кизини беришини маълум килибди. Буни эшитган Хуморни ошиклари, шоху-шахзодалар кела бошлабди. Шох-шахзодалар саволга хар хил, яъни» Энг бадавлат шохлар, карздорлар гадолар», -деб жавоб беришибди.

Бу жавоблар Хуморга маъкул тушмабди. Кунларнинг бирида бу овоза ёш, ва аклли чупоннинг кулогига етибди. Чупон йигит бахтини синаш

максадида, шох саройига йул олибди. Чупон саройга келса, дарвозабонлар уни ичкарига куйишмабди. Хумор чупонни саройга киритишларини буюрибди. Чупон таъзим билан шох ва Хумор турган хонага кирибди. Чупонни курган шох газабланиб: Канча шохлар бек-бекзодалар еча олмаган жавобни сен ечасанми,-дебди.

Чупон:

1. Маликам саволларига жавобим шуки. Дунёда энг хакки куп одам бу ота-онадир. Чунки улар фарзандларини бокиб, одам каторига кушиб карздор килганлар. Энг карзи куп эса бу фарзанддир. Болага нисбатан ота-оналарнинг меҳнатини чеклаб булмайди, -деб жавоб берибди.

2. Моддий бойликлар ишлаб чикариш киши хаётини кайта тиклаш инсоният жамияти таракиётининг асосий, белгиловчи омилидир. Бусиз жамиятни яшаши ва ривожланиши мумкин эмас.

1. кишилар узларини моддий ва маънавий эҳтиёжларини кондириш йули билан уз кучларини кайта тиклайди.

2. авлодни давом эттирадилар. Хаётдан кетганлари урнига янгилари яратилади.

Ижтимоий хаётнинг киши хаётига кайта тиклаш соҳаси турмушидир. Турмуш яшаш усули, моддий ва маънавий эҳтиёжларни кондириш йуллари ва шакллари дир. У энг аввало уй-жой шароити, овкатланиш, кийим-кечак, умумий овкатланиш муассасалари, комунал ва медицина хизмати кабилар дир. Турмуш жамиятда ишлаб чикариш муносабатларининг маҳсулидир. Ишлаб чикариш усули ривожланиши билан турмуш хам узгаради. Турмушда халк ёки миллатнинг узига хос хусусиятлари ва томонлари ифодаланади. У миллий формада намоён булади. Миллий хусусиятлар турмушнинг уй-жой, кийим кечак, озик овкат турларида, уй-рузгорни жихозлашда, урф-одат ва маросимларда, музика ва рақсларда, уйин кулгу ва бошка маросимларида намоён.

Турмуш хам синфий характерга эга булади. Масалан:

1.Феодализмда феодал, савдогар ва амалдорлар.

2. Дехкон, хунарманд, чорвадор турмуши. Улар моддий ва маънавий-ахлокий асослари жихатидан фарк килади.

Турмуш иктисодий тараккиёт натижаларига боғлиқ холда ўзининг ривожланиш конунларига эга.

1. Турмушни хар тарафлама узгартириш узок вақт ичида содир булади.

2. Эски турмушнинг моддий ва маънавий натижаларини тамомила инкор килинмайди.

3. Кишиларнинг турмуш шароити узларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини кай даражада кондиришларига, меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолиятига, маданий усиш ва ахлокий такомилуга, болаларни тарбиясига боғлиқ.

Шундай килиб турмуш ижтимоий хаётнинг муҳим соҳаси булиб, ишлаб чикариш типи, усули узгариши билан янги типдаги турмуш вужудга келади.

Оила эса турмушнинг энг муҳим кисмидир. Ишлаб чикаришнинг иккинчи томони кишиларнинг бунёдга келтириш, авлодни давом эттириш оилада руй беради. Ишлаб чикариш усули ривожланса узгарса оила ҳам тараккий этиб узгариб боради. Хар бир ишлаб чикариш усули узига хос оила типини вужудга келтиради. Оила табиий-биологик асосга эга. Оиланинг вужудга келишида икки жинс вакили иштирок этади ва авлод давом эттирилади.

Жамият тарракиётининг турли боскичларига, ишлаб чикариш муносабатлари характерига караб оила хаётининг (иктисодий-маънавий, табиий биологик) томони тезрок ривожланди. Масалан, ибтидоий жамоа тузими даврида оилавий муносабатлар табиий биологик муносабатлар билан чегараланган. Оиланинг иктисодий асослари ва болалар тарбияси жамоат иши булган. Хусусий мулкнинг вужудга келиши билан оила хаётининг ҳамма томонларини узига буйсундирди. Оила куриш, авлодни давом эттириш, оиланинг маънавий хаёти хаммаси хусусий мулк манфаатларига

буйсундирилди. Феодал оиланинг муносабатларида келинни сотиб олиш (калин тулаш), зурлаб эрга бериш ва уйлантириш каби холлар вужудга келди.

Оиланинг эркак ва аёлнинг узаро севги ва майиллиги аосида юзага келиши унинг асосий хусусиятларидан биридир. Никохдан ташкарида руй берадиган табиий муносабатлар маънавиятсизлик, ахлоксизликдир. Оилада бола бунёдга келиши билан эр хотин ота-она ҳам булади. Севги мухаббат оила шахсий иш эмас. Жамиятда шахсий турмуш, оила ижтимоий хаёт билан жамият тарраккиёти манфаатлари билан чамбарчас богликдир. Оила олдидаги бурч оилавий турмушнинг куйидаги томонларни уз ичига олади.

1. Севги мухаббат садокат ва вафодорлик.
2. Оилада эр хотин, ота оналар ва болалар уртасида узаро хурмат.
3. Эр хотин узаро бир бирин тарбиялаши: бирбирини маънавий маданий ва ахлокий юксалиши учун ёрдамлашиш.

4. Эр-хотиннинг ижтимоий фаолияти ва оилада уй рузгор ишларини олиб болришда бир бирига ёрдам бериш.

5. Болалар тарбияси учун гамхурлик килиш. Болалар тарбияси ота онанинг ахлокий бурчигина эмас, балки хукукий мажбурияти хамдир.

Ёш бугинни тарбиялашда шубхасиз, ижтимоий тарбия системаси хам асосий рол уйнайди. Оилада булажак фукаронинг характери, дунё карашини ва ахлокий кифасини пойдевори куйилади.

Купчилик ота оналар фарзандлари тарбиясига катта ижтимоий вазифа сифатида муносабатда булиб, уларни жамиятга муносиб кишилар килиб тарбияламокдалар.

Бирок ёшлар уртасида иш ёкмас текинхурлар, угрилар, олифталар, безорилар учраётган экан, бу энт аввало оила тарбиясининг камчилигидир. (макол: Куш уясида курганини килади). Оилада болаларни тугри тарбиялашда иккинчи асосий шартини оиладаги ахлокий вазият ота-онанинг узаро муносабати, бошкаларга муносабат, болаларга муомиласи кискаси ота онанинг инсоний кифаси болалар онгида чукур из колдиради. Болалар ота

онасининг куп хислатларини узлаштириб олади ва улгайгач ундан фойдаланадилар. Оила тарбияси жуда мураккаб ва куп кирралидир.

Шундай килиб, оила ёш авлодни умуминсоний ахлоқ, маънавий пок, халоллик, садокатлилик, ватанпарварлик, комил инсонийлик рухида тарбиялашнинг мухим омилидир.